ўзССР Давлат китоб палатаси

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 12 ноябрь, чоршанба • № 90 (10.969) • Эркин нархда сотилади

ДОВОННИНГ РАВОН ЙЎЛИ

ҚАМЧИ довонида вилоятимизни Фарғона водийси билан боғлайдиган йўлни кенгайтириш, уни халқаро мезонлар даражасига етказиш бўйича ишлар жадал суръатлар билан давом этмоқда. Бу ерда қудратли қурилиш техникаси — экскаваторлар, тракторлар, бульдозерлар, юк автомашиналари туну кун ишламоқда. Уларни бошқараётган бунёдкорларнинг қўли қўлига тегмаяпти. Айниқса, тоғ остидан ўтадиган тоннелларда яратувчилик меҳнати авжига чиққан. Уни қазувчилар кун сайин маррага яқинлашмоқдалар. Албатта бу ер ости йўлининг ҳар бир метри осонликча очилаётгани йўқ. Лекин ишчиларнинг мисли кўрилмаган ғайрат-шижоати олдида тоғ ҳам бардош бераолмаяпти.

Суратларда:: «Махсусавтойўл» трестининг бош механиги Виктор Ясаков ва 1-йўл қурилиш бошқармаси бошлиғи Толибжон Комилов бўлажак ишлар ҳақида суҳбатлашмоқдалар; йўл қурилиш участкаларида иш қизғин.

Владимир ГРАНКИН олган суратлар.



«АМИР ТЕМУР ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ»

Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида «Амир Темур ва инсон манфаатлари» мавзуида халқаро илмий анжуман бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, республика ва чет эллик темурийшунос олимлар, мутахассислар иштирок этди. Тадбирни халқаро Амир Темур жамғармаси, Темурийлар тарихи давлат музейи ва Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти ўтказди.

Анжуманни халқаро Амир Темур жамғармаси бошқаруви раиси академик Б. Аҳмедов очди. Унда Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг тикланиши ва ривожланиши, инсон манфаатлари — энг олий мақсад, Темур ва темурийлар давридаги эпиграфик ёзувлар, темурийлар давлатида адолат меъёрлари, Амир Темур даврида давлатни бошқаришда аёлларнинг ўрни каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

Сўзга чиққанлар йўлбошчимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда неча минг йиллик тарихимиз, маънавий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз, буюк бобокалонларимизнинг унутилаётган номлари тикланаётганини таъкидладилар. Буюк соҳибқирон Амир Темур номининг тикланганлиги бунинг яққол далилидир. У бутун куч-ғайрати ва салоҳиятини ўзи ташкил этган давлатни мустаҳкамлашга, юрт ободонлигини таъминлаш, илм-фанни ривожлантиришга бағишлади. Унинг бу ҳаётбахш анъаналари халқимизнинг бугунги бунёдкорлик ишларида давом эттирилмоқда.

(ЎзА).

Долзарб мавзу

ЕР ҲАЙДАСАНГ КУЗ ҲАЙДА

ХАЛҚИМИЗ ер ҳайдасанг куз ҳайда, деб билиб айтган. Деҳқон келгуси йил кузида тарозига қўядиган ҳосилининг тош босиши ёки босмаслиги, аввало, мана шу муҳим агротехника қоидасига нечоғлик амал қилинаётганлигига боғлиқдир.

— Ўтган йилнинг куз фаслида 751 гектар майдонни чуқур қилиб ҳайдаб қўйган ва шудгор пайтида маҳаллий ва фосфорли ўғитлар билан тўйинтирган эдик, — дейди Қуйичирчиқ туманидаги «Тошовул» жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Эрдали Юнусов. — Ер қиш бўйи дам олиб, кўпчиб ётди. Эртаги шудгор ерни экишга тайёрлаш ва чигит экишни барвақт ўтказиш, пировардида мўл ҳосил етиштириб, режани муваффақиятли бажариш имконини берди.

Ҳа, кузги шудгорлашнинг хосияти катта. Бунга тўла амал қилиб, деҳқончилик қилаётган Юқоричирчиқ ва Ўртачирчиқ туманларининг барча хўжаликлари, бу йил пахта тайёрлаш режасини барвақт уддалаб, эл-юрт олдида юзини ёруғ қилган жамоа ва деҳқон-фермер хўжаликлари ўз фаолиятлари билан буни тўла тасдиқладилар.

Республика Президентининг «Наманган ва Фарғона вилоятларида 1997 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишнинг қониқарсиз аҳволи» ҳақидаги фармойишида пахта етиштиришдаги жиддий хато ва камчиликлар қаторида кузги шудгорнинг сифатсиз ва ўғитсиз ўтказилганлиги, натижада баҳорда чигит экиш муддати кечиктириб юборилганлиги ҳам алоҳида таъкидланди. Гарчи бу танқид Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳақида айтилган бўлса ҳам деҳқончиликдаги мавжуд аҳвол чуқур таҳлил этиладиган бўлса, Тошкент вилоятининг айрим туман ва хўжаликларида ҳам агротехника қонун-қоидаларига зид бўлган ана шундай воқеалар содир бўлаётганини кўриш мумкин. Ғўза тупларида қолган бир чаноқ-ярим чаноқ пахтани деб, ерни вақтида ҳайдашга бўшатмай шудгорни кечиктириб юборган хўжаликлар оз эмас. Ўтган йили кузги шудгор вилоят бўйича 76 фоизда қолиб кетган, 36 минг гектар майдонни шудгори қор ва лой чангаллаб, декабрь ва январь ойларида бажарилган эди. Айниқса, Қуйичирчиқ туманида бу муҳим иш ҳаддан зиёд чўзилиб кетди. Бекобод тумани хўжаликларида эса 550 гектар ер умуман шудгорланмаган сабабли баҳордагина ҳайдалиб, пешма-пеш чигит экишга мажбур бўлишди. Бўка, Пскент туманларида ҳам ана шундай аҳвол рўй берди. Бу ишга панжа орасида қараган хўжаликларда орадан бир йил ўтиб, куз хирмони кўтарилганида етиштирилган ҳосил режага етмай қолганлигига ҳам биринчи галда кузги шудгорлашнинг агротехникавий аҳамиятига назар-писанд қилинмаганлиги сабаб бўлди.

Ноябрь ойи ҳам ўтиб боряпти. Ҳозир айни ерга ўғит сепиб, шудгорланадиган ва сўнг қиш бўйи уни кўпчитиб, дам олдирадиган пайт. Хўш, вилоятдаги туман ва хўжаликларнинг раҳбарлари ўтган йилги хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, бу ишни вақтида бажариш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланаяптиларми? Афсуски, йўқ. Бугунги вазият ҳамон бултурги камчиликлар такрорланаётганлигини, ҳамма жойда ҳам экин майдонларини оммавий шудгорлаш бошланмаганлигини кўрсатади. Мисолларга мурожаат қилайлик. Бекобод туманида ҳозир кунига 32 гектар, Пскентда 94, Чинозда 65, Янгийўл туманида эса 48 гектар майдонгина шудгордан чиқарилаяпти, холос. Нега? Бундай қолоқликнинг асл сабаби нимада? Сабаб яна ўша эски касаллик — мавжуд техника кучидан самарали фойдаланилмаётганлигидадир. Масалан, Бўка тумани хўжаликларида 154 та ҳайдов тракторидан 18 таси, Бекободда 150 та трактордан 4 таси, Янгийўлда эса 65 та трактордан 16 тасигина ер ҳайдаш билан банд қилиб қўйилган. Юқоричирчиқ, Пскент ва Чиноз туманларида эса мавжуд техника ҳамон тушовдан бўшатилмаяпти. Вилоят хўжаликларида 35 та кучли «Магнум» русумли тракторлар бўлатуриб, Юқоричирчиқ, Пскент, Ўртачирчиқ, Чиноз ва Янгийўл туманларида уларга ҳалигача плуглар тақилмаяпти.

Мавжуд техникадан самарали фойдаланилмаётганлигига яна бир сабаб бор. У ҳам бўлса эҳтиёт қисмлар топиш, тракторларни таъмирлаш, ёнилғи масаласи катта муаммоларга айланиб қолаётганлигидадир. Ана шу жиҳатдан қараганда хўжаликларга хизмат кўрсатиш савиясини тубдан ўзгартирадиган пайт келди. Таъминот тармоқлари ходимларининг ўзбилармонлиги кўп ҳолларда деҳқонларни қийнаб қўймоқда. Сарсонгарчилик, буйруқбозлик, «бор отангга, бор онангга» қабилида иш тутиш иллатлари ҳамон давом этаяпти. Гарчи бу муаммолар ҳақида тез-тез гапирилаётган бўлса ҳам уни амалга ошириш ғоят қийин кечмоқда.

Кузги шудгорни маҳаллий ва маданий ўғитлар билан ўтказиш агротехниканинг муҳим талабларидан бири. Чунки ҳосили йиғиб-териб олинган экин майдонлари ўғит солиб ҳайдалсагина қиш бўйи дам олиб, келгуси йил учун куч тўплайди. Афсуски, жойлардан олинаётган хабарлар ҳамма хўжаликларда ҳам ана шунга тўла амал қилинмаётганлигини кўрсатади.

Куз ниҳоясига етмоқда. Далалар ҳосилдан бўшаяпти. Демак, экин майдонларини ғўзапоялардан тозалаш ва шудгорга киришиш пайти ҳам келаяпти. Эндиги вазифа — бу ишларнинг вақтида ва сифатли қилиб бажарилишидан иборатдир. Шундай қилинсагина келгуси йилда чигит экишни барвақт ўтказиш, куз ҳосилига мустаҳкам замин яратиш мумкин.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

РЕСПУБЛИКА «Нуроний» ҳайрия жамғармасининг Ўртачирчиқ тумани бўлими фаоллари яна бир ҳайрли ишга қўл уришди.

Улар туман касалхонасида даволанаётган бир гуруҳ беморлар — Ҳасан Жиянбоев, Юсуфбек Дадабоев, Бўрибой Рўзиев, Ҳалима Аделшина, Омон Орифжоновларнинг ҳолидан хабар олиб, уларга зарур дори-дармонлар билан ёрдам беряптилар.

Бундай саҳоватдан мамнун бўлган беморлар «Нуроний»чиларга чин дилдан миннатдорчилик билдирдилар.

Усмонали ҲАМИДОВ.

КЎЧМАС ШИФОХОНА ДАЛА КЕЗАДИ

Иш унуми одамларнинг соғлиғига боғлиқ. Бўка тумани марказий шифохонаси бош врачи Анвар Раҳматуллаев шуни ҳисобга олиб, кўчма шифохона ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эди. Бу шифохонага махсус автомашина ажратилди, малакали шифокорлар, доришунослар биркитилди.

Кўчма шифохона ҳар куни эрта билан меҳнат жамоалари томон йўл олади. Ўша ернинг ўзида беморлар билан учрашиб, уларнинг соғлиғини текширади, маслаҳатлар беради. Энг муҳими, қандай дори керак бўлса, шу ернинг ўзида уларни таъмин этиш чораси кўрилади.

Шифокорлар — Насиба Йўлдошева, Насиба Саймоқова, доришунос Абдурасул Облоқуловларнинг хизматидан туман аҳли ғоят миннатдор бўлмоқда.

Эргаш ЙЎЛДОШЕВ.

САНОБАР САМАРҚАНДГА БОРАДИ

ЎЗИНИНГ ажойиб қўшиқлари билан «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик танлови бўйича вилоятда ва республикада рағбатлантирувчи совринлар соҳибаси бўлган Ўртачирчиқ тумани маданият бўлимининг услубиётчиси Санобар Саттарова Самарқандда Ҳожи Абдулазиз хотирасига бағишлаб ўтказиладиган «Нодир ашулалар» кўригида вилоятимиз вакили сифатида қатнашиш учун тавсия этилди.

Санобар ижрочилигидан «Савти ушшоқ», «Мўғулчаи бузрук», «Фарғонача шаҳноз», «Баёт—1» «Баёт—2» каби қатор қўшиқлар ўрин олган.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ИШБИЛАРМОН ЙЎЛЧИ АКА

ЎРТАЧИРЧИҚ туманининг «Қайтмас» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Йўлчи Эргашев айни кунларда тадбиркорлик билан машғул бўлмоқда. У Тўйтепа шаҳрида хусусий ошхона, машиналарга хизмат кўрсатиш, шиналарни таъмирлаш шохобчасини очиб, самарали ва сифатли хизмат қилаётир.

Ишбилармон Й. Эргашевнинг бу ишларидан аҳоли, шунингдек, мижозлар беҳад мамнун. Унинг ўтган йили шафтолизор боғида ўтказган 500 туп кўчати ҳам бу йил ҳосилга кирди.

Усмонали ҲАМИДОВ.

БЕПУЛ ТАЪМИРЛАНДИ

ВИЛОЯТИМИЗДА истиқомат қилувчи уруш иштирокчилари ва ногиронлари, боқувчиси вафот этган ҳамда байналмилал — жангчилар оилалари ҳар томонлама ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Биргина вилоят ҳудудий коммунал-фойдаланиш ишлаб чиқариш бирлашмаси йўли билан ҳар йили уларнинг турар-жойларини бепул таъмирлаш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бунга анчагина маблағ сарфланяпти.

Жорий йилнинг тўққиз ойида ҳам муайян ишлар бажарилди. Жумладан, бир неча уй мукаммал таъмирланди, 81 хонадонда жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, уларга деярли 210 квадрат метр сатҳга эга бўлган уйлар бепул берилди. Бу хонадон эгалари орасида уруш иштирокчилари ва ногиронлари, байналмилал жангчилар кўпчиликни ташкил этади.

Ҳамид СОБИРОВ.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон бадиий академияси мамлакатимиз мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан ташкил этган энг сара тасвирий ва амалий санъат асарларининг «Ўзбекистон-97 Истиқлол одимлари ва одамлари» деб номланган биринчи республика танлови ниҳоясига етди.

Танловга кейинги олти йил мобайнида яратилган ва Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданий мероси, миллий анъаналари, сержило табиати, олийҳиммат одамларининг маънавияти ўз аксини топган мингдан ортиқ тасвирий ҳамда амалий санъат асарлари тақдим этилди. Улар орасида таниқли мўйқалам усталари Рўзи Чориевнинг «Замондошим», Рустам Худойбердиевнинг «Зуҳра опа», Муҳаммаджон Нуриддиновнинг «Она» портретлари, Акмал Икромжонов, Қутлуғ Башаровнинг ранг-тасвир картиналари, Иброҳим Комиловнинг туркум кулолчилик асарлари, Қобилжон Қорабоев деворга ишлаган миниатюралари энг яхши асарлар деб топилди.

(ЎзА).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ га обуна бўлинг!

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Мамлакатимизда 1998 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна давом этмоқда.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам газетамиз Сизнинг энг яқин маслаҳатдошингиз, ҳамроҳингиз бўлиб қолишга ишонамиз.

Дарвоқе, эслатиб ўтамиз: «Тошкент ҳақиқати»га обуна нархи бошқа газеталарга нисбатан бирмунча арзон.

Бизнинг нашр кўрсаткичимиз: якка обуначилар учун: 205, ташкилотлар учун: 206

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ёзилинг!

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ЯРАТИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

ЯҚИНДА «Тошқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамиятида «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компаниясининг Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Тошкент трактор заводида бўлиб, у ерда билдирган танқидий фикр-мулоҳазалари, таклифларида ўртага қўйилган ғоят муҳим ва долзарб масалаларга бағишланиб, техникавий кенгашнинг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, Президентимиз Республика аграр саноати мажмуининг ҳозирги аҳволини чуқур таҳлил қилиб, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини кескин ривожлантириш, жаҳон андозаларига мос янги техника турларини яратиш ва уларни кўплаб ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигимизни ана шундай илғор, замонавий техника билан тезроқ таъминлаш зарурлигига эътибор қаратди. Бу долзарб вазифалар Холдинг компаниясининг дастурига асосий стратегик йўналиш сифатида қабул қилинди.

Ҳозир қудратли универсал-чопиқ тракторларини ҳамда 100-130 от кучи қувватига эга бўлган ва ундан ҳам кўпроқ қувватли, махсус пахтачилик тракторларини ишлаб чиқариш вазифаси қўйилмоқда. Бундай тракторлар «Кейс корпорейшн» фирмаси билан ҳамкорликда яратилади ва улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имконини беради. Пахта етиштиришда 6-8 қаторли тизимга ўтиш, дон, емхашак ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда кенг қамровли техникаларни қўлланиш юксак самара бериши кўзга ташланиб турибди.

Республика Президенти вертикал шпинделли аппаратлар билан жиҳозланган пахта териш машиналарини қишлоқ хўжалигига кўплаб етказиб беришга интилиш пахта етиштиришда меҳнат унумдорлигини ҳамда ҳосилдорликни оширишга унчалик дуруст хизмат қилмаётганини таъкидлаб ўтди.

Шу нарса алоҳида қайд қилиндики, «ЎзКейсмаш» қўшма корхонасининг барпо қилиниши 1998 йилда горизонтал шпинделли «Кейс 2022» пахта териш машинасини ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш имконини яратади. Холдинг компаниясининг бу борадаги асосий вазифаси — терим аппаратларини биринчи галда «Тошқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамиятида йиғиш ва тайёрлашни йўлга қўйишдан иборат. «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамияти 100-130 от кучига эга бўлган ва «Камминз» фирмасининг двигателлари ўрнатилган янги пахтачилик тракторларини яратиш устида жадал иш олиб бормоқда. Бу тракторларга ўрнатиладиган 4-6 цилиндрли двигателлар эса «Ўзиталмотор» ҳиссадорлик жамиятида йиғилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг техник жиҳатдан таъминланганлиги даражасини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича 1998-2000 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган дастурда республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янги техника билан тўла таъминлаш назарда тутилади. Бунда асосан қўшма корхоналарда тайёрланадиган янги қишлоқ хўжалик техникасига умид боғланмоқда. 1998 йилдан бошлаб янги, замонавий двигателлар, тракторлар, плуглар, сеялкалар, культиваторлар, пуркагичлар ва бошқа турдаги техника ишлаб чиқарила бошлайди.

Ўртага қўйилган вазифани бажариш учун Холдинг компаниясига қарашли барча корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга жадал киришилди. Бу эса қишлоқ хўжалик техникасининг асосий узеллари ҳамда двигателларини тайёрлашни ташкил қилиш ва уларни қўшма корхоналарга етказиб бериш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникаси сифатини анча ошириш имконини яратади.

Темур РАСУЛЕВ,
«Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компаниясининг бош мутахассиси.

Мулоҳаза

НЕГА «КЕЙС»ЛАР ТАЛАШ БЎЛЯПТИ?

Машина-трактор паркимизда 3 та «Кейс-2022» русумли терим машиналари бор. Уларнинг биринчи бошқаришни менга топширишганида механизаторлик касбини пухта эгаллаганимдан мамнун бўлдим. Чунки Америкада ишлаб чиқарилган ва кунига 25-30 тонна пахта териш имкониятига эга бўлган «Кейс» машиналарида ишлаш туманимиздаги ҳар бир механизаторнинг орзуси эди.

Дастлаб «Янги турмуш» жамоа хўжалиги пахта далаларида ишладим. Кунига 30-35 тоннагача ҳосилни териб топширдим. «Кейс-2022» машинаси чиндан ҳам мўъжизакор экан. Ҳамма ишлар компьютер билан боғланган ҳолда бажарилади. Кабинада ўтириб агрегатни бошқаришнинг роҳатижон эканлигини айтмайсизми? Компьютер механизаторнинг ҳар бир топшириғини сезгирлик билан илғаб олиб, аниқ бажаради. Бункердаги ҳосилнинг салмоғи қанчага етганлиги, пахтанинг намлиги, тозалиги — ҳамма-ҳаммаси кўзгудагидек яққол кўриниб туради. Аппаратларнинг тезлик миқдори машина тезлиги билан узвий боғланган. Дала теримга яхши тайёрланган, пахта қийғос очилган бўлса, иш унуми ҳам шу даражада юқори бўлади. Фақат менгина эмас, бошқа «Кейс»ларда ишлаган механизаторлар ҳам кунига 25-30 тоннадан ҳосил териб топширдилар. Шунинг учун ҳам «Кейс»ларнинг «бозори чаққон» бўлди. Бригада бошлиқлари ҳамиша уларни ўз далаларига келишини интиқиб кутдилар.

Президентимиз Ислом Каримов қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш масаласини кўтарганларида энг аввало қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш, машина-трактор парклари фаолиятини кучайтириш ҳақида тўхталган эдилар. Дарҳақиқат, МТПларни маблағларни бир ерга жамлаган ҳолда янги техника воситалари билан тўлдириб бориш, уларнинг ишини яхшилаш шу куннинг энг муҳим вазифасидир. Пахтачилик келажагини «Кейс» русумли терим агрегатлари сингари кучли ва серунум қишлоқ хўжалик техникаси ҳал қилади. Менимча, ҳар бир хўжалик ўз иш фаолиятини ана шуни эътиборга олиб амалга ошириши лозим.

Абдужаббор ХЎЖАМУРОДОВ,
«Кейс-2022» русумли терим машинаси механизатори, Ўртачирчиқ тумани.

Хусусий корхоналарда тадбиркорлар бор бўлсин

ҲАЖМИ ОРТИБ, ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

«АКРОМ-Ширмой» нон заводи жамоаси 1988 йилдан бери эл хизматида. Бу даврда хусусий корхона ташкилий жиҳатдан қайта барпо этилиш, оёққа туриб олиш ва тараққиёт йўлига мустаҳкам ҳамда ишонч билан тушиб олишга муваффақ бўлди. Ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ортиб, ишчи ўринлари янги ташкил этилганлари ҳисобига кенгайиб борди. Ҳозир жамоа сафида 76 киши ишламоқда.

Шуниси эътиборга сазоворки, уларнинг асосий кўпчилигини шу теварак — атрофдаги қишлоқларда истиқомат қилаётган ёшлар, рўзғор ишлари билан шуғулланиб келган хотин-қизлар ташкил этади. Улар новвойлик касби сир-асрорларини ҳам шу ердаги устозларидан ўргандилар. Эндиликда эса улардан қолишмай ишламоқдалар. Энг муҳими ўзларининг сидқидилдан қилаётган меҳнатлари эвазига оила бюджетини тўлдирмоқдалар, унинг турмуш тарзи яхшиланишига озми-кўпми ёрдам бермоқдалар. Шунинг учун ҳам улар бу хусусий корхона раҳбари, билимдон тадбиркор Акром Хушназаровдан миннатдор бўлмоқдалар.



Бу ерда иш тўрт сменада ташкил этилган. Ҳар куни эл дастурхонига тонна-тонналаб нон ва нон маҳсулотлари етказиб берилаяпти. Айрим кунлари буюртмаларга қараб 15 тоннагача ризқ-рўз ёпилмоқда. Ҳозирги вақтга келиб, жамоа ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури тўрттага етди.

Новвойлар аҳолига кўрсатилаётган хизмат маданиятини ҳам муттасил яхшиламоқдалар. Шу мақсадда фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжлари ўрганилмоқда. Корхонага қарашли бўлган дўконлар тармоғини кенгайтиришга киришишнинг асосий омили ҳам шу бўлди. Аҳоли зич яшаётган жойларда янги савдо шохобчалари очилди. Эндиликда корхонага қарашли дўконлар сони тўрттага етади. Нон маҳсулотларини сотиш билан шуғулланаётган бундай тармоқлар корхона жойлашган Телов қишлоғидан ташқари туман маркази ва ўнлаб аҳоли манзилгоҳларида жойлашган. Ҳар куни қирқ-эллик минг оҳангаронликлар шу жамоа қўлидан чиқаётган бўрсилдоқ нон ва нон маҳсулотларини тановул қилишмоқда.

Новвойлар кейинги вақтларда ойига уч ярим миллион сўмлик маҳсулотни эл дастурхонига етказиб беришмоқда. Бунда ўз касбига меҳр қўйган тажрибали ишчи-хизматчиларнинг ҳиссалари салмоқли бўлаяпти. Шундай илғорлар ҳақида гап кетгудек бўлса биринчи навбатда Сайёра Эргашева, Турдихон Бойматова, Маҳфуза Хайдарова, Башорат Орипова ва бошқаларнинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Бу новвойлар ишлаб-чиқаришда илғор, интизомда касбдошларига намуна, сидқидилдан меҳнат қилишда ўрнак бўлмоқдалар.

Корхона маъмурияти ажратган маблағ ҳисобига Теловда бутун бир мактаб биноси барпо этилди. Унинг синфларида 120 нафардан ортиқ ўғил-қизлар фан асосларини ўрганмоқдалар. Бундан ташқари 38-сонли мактаб бир неча йилдан бери корхона оталиғида. Новвойлар бу билим масканини таъмирлаш, керакли айрим анжомлар билан таъминлаш ишларидан четда қолмайдилар. Улар бу йил яна бир ҳайрли иш бошладилар. Оҳангарон тумани ҳокимлиги корхона жамоасининг истагини ҳисобга олиб, унга деҳқончилик қилиш учун 25 гектар ер ажратиб берди. Илгари фойдаланилмаётган бу майдон ўзлаштирилди. Унга ғалла ва бошқа экинлар экилди. Буғдойдан анчагина ҳосил олиб, унинг бир қисми — 15 тоннаси давлатга топширилди.

— Бозор талабини ўрганишни давом эттираяпмиз, — дейди Акром ака Хушназаров. — Шу асосда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ниятимиз бор. Чунончи, макарон тайёрлашни ўзлаштиришни режалаштириб қўйдик. Ҳозир тайёргарлик кўряпмиз. Бунинг учун ишлаб чиқариш майдони мавжуд. Асбоб-ускуналар топсак уни юритиб юборамиз.

М. МАҲМУДОВ,
Д. АҲМЕДОВ.

Ушбу суратларда: новвойлар Муқаддас Умарова, Башорат Орипова ва катта уста Маҳфуза Ҳайдарова (юқорида чапдан) ҳамда экспедитор Феруза Исроиловаларни кўриб турибсиз.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

АКС САДО ДАВОМ ЭТМОҚДА

◆ РОССИЯНИНГ сўл кучлари октябрь инқилобининг 80 йиллигини жуда катта тантанага айлантириш ниятида юрган эдилар.

Бироқ уларнинг кўзлаган тадбирлари кўнгилдаги натижани бермади. Россия коммунистлари раҳбарлари Г. Зюганов, В. Анпиловлар қизил байроқлар ва шиорлар кўтариб олган намойишчилар олдида «оташин нутқ»лар сўзласалар ҳам кўпчилик уларга эргашмадилар. Шундай қилиб, «халққа қарши тузум»га қарши айтилган даъватлар деярли самара бермади. Бироқ, кейинги кунларда ҳам инқилоб 80 йиллигининг акс садоси кўпгина шаҳар ва вилоятларда сезилиб турди. Халқаро шарҳчиларнинг фикрига қараганда, РФ президенти Б. Ельцин эълон қилган ярашув ва тотувлик сиёсати устун келмоқда.

ҚАД ТИКЛАШГА 100 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

◆ СЎНГГИ йилларда Болгария иқтисодиёти анчамунча таназзулга учради.

Ишлаб чиқариш суръати пасайди, асосий маҳсулотлар ҳажми камайди. Эндиликда мамлакат президенти ва ҳукумати давлат иқтисодиёти қаддини ростлаш учун кескин чоралар кўришга киришди. Яқинда Жаҳон банки Болгарияга халқ хўжалигини тиклаш учун 100 миллион доллар ажратиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарз саноат ҳамда молиявий соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш учун сарфланади.

АЖАЛ... ОЁҚ ОСТИДА

◆ ЕР УСТКИ миналарини йўқ қилиш бир неча йиллардан буён халқаро миқёсда энг катта муаммога айланди. Ҳозирга келиб, кўринишдан, амалий қадамлар қўйила бошланди.

Америка Қўшма Штатлари давлат департаменти ахборотларига қараганда, ер устки миналарини батамом йўқ қилиш жараёнини 2010 йилга бориб ниҳоясига етказиш кўзда тутилмоқда. Б. Клинтон маъмурияти Карл Индерфертни жаҳон миқёсида ер устки миналарини тозалаш бўйича президент ҳамда давлат котиби вакили этиб тайинлади. 1998 йилда АҚШ бу ишга 77 миллион доллар ажратишни режалаштириб қўйди.

Ер устки миналарини зарарсизлантириш, шубҳасиз, ўта хайрли иш ҳисобланади. Зеро, ҳозир Афғонистон, Лубнон, Босния ва Херцеговина, Ироқ, Албания, Қурия сингари 64 мамлакат ҳудудларида ана шундай хавфли минтақалар мавжуд. Бу ерларда юз мингдан зиёд миналар жойлаштирилган, деб тахмин қилинмоқда.

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ, БИРОҚ...

◆ БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти изни билан тузилган оммавий қирғин қуролларини текшириш комиссиясининг навбатдаги гуруҳи яқинда Ироққа келган эди.

Куни кеча Бағдод мазкур комиссия таркибидаги Америка мутахассисларини мамлакатдан чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Ироқнинг Москвадаги элчиси Ҳасан Фаҳмий Жуманинг баёнотида айтилишича, етти йил мобайнида Ироқда 434 марта текширув ўтказилган. Уларда турли мамлакатлардан 4075 нафардан зиёд мутахассислар иштирок этдилар. 600 дан ортиқ объектлар кўздан кечирилди. Ана шу барча текширувлар давомида Ироқнинг БМТ қарорларини бузганлиги ҳолати аниқланмади. Элчи гапларига қараганда, АҚШ мутахассислари кузатув эмас, балки, жосуслик билан шуғулланмоқдалар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Маорифимиз жонкуярлари

Тошкент туманидаги Охунбобоев номли 9-ўрта мактаб директори Ҳотам Иноғомовнинг фалсафаси ўзига хос. Қуйида биз бу фидойи инсоннинг ҳаёти, ишлари, тажрибалари, ўйлари ҳақида ҳикоя қиламиз

ЎЗГАЛАРНИНГ БАХТИ — МЕНИНГ ҲАМ БАХТИМ



Одатда ҳар бир вояга етган инсоннинг ўзига хос, феъли-атворига мос ҳаёт тарзи, амал қиладиган урф-одатлари, удуми бўлади. Ҳотам ака эсини танибдики, катталарни, айниқса, ҳешакроболар, ота-она иззат-ҳурматини жойига қўйишни ўзининг ҳаёти мазмуни деб биларди.

У ҳар куни эрта билан ишга кетаётганида ва ишдан қайтганида ота-онаси олдига келиб, уларнинг ҳол-аҳволини сўраб чиқмаса кўнгли ўрнига тушмасди. Отаси Иноғом ака бундан ниҳоятда мамнун бўларди. Баъзи-баъзида, мен аминман, болам дерди ота, сенинг мартабанг улуғ бўлади, ана шунда сира ҳам ўзингдан кетиб қолма! Эсингда бўлсин, ота-онангни қандай ҳурмат қилсанг, бошқаларга ҳам шундай муносабатда бўл. Ўзингни эр билсанг, бошқаларни шер бил, деган нақлни унутма. Иложи борича «йўқ» деган гапни айтма. Қўлдан бермасанг ҳам йўлдан бер. Буғдой ошинг бўлмаса, буғдой сўзинг бўлсин!

Ҳотам учун отанинг ўгитлари унинг йўлини ёритувчи маёқ бўлди. Баъзида у машинасини уёқ-буёғини қараб, отасига рўбарў бўларди. «Қани юринг отажон, уйда ўтираверib зерикиб кетгандирсиз, уёқ-буёқларни бир айлантириб келай», дерди. Шунда отаси: болам, сен катта бир жамоа раҳбарисан. Ишингдан қолиб нима қиласан, дея ўғлини аярди. Лекин ўғил бўш келмасди. Иш ҳам бўлади, деб қўярда-қўймай отасини машинасига ўтказар, шаҳарни сайр қилдирар, баъзида узоқ қариндошларникига олиб бориб келар эди. Баъзан эса Ҳотам отаси кўнгли тусаган овқатларни уйида ўзи қилиб бериб, биргалашиб тановул қилишарди. Ана шундай пайтларда ота ўзида йўқ хурсанд бўлиб, кўзларига ёш олиб дуо қиларди: умрингдан барака топ ўғлим! Табиийки, бундай дуоларни эшитган ўғилнинг кўнгли тоғдек кўтарилиб, танасига сиғмай яйраб кетарди. Дили равшан тортарди. Ҳуш кайфият билан ишга отланарди. Уйлаб қўйган режалари амалга ошарди.

Лекин Ҳотамнинг ёруғ йўлга чиқиб олиши ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Аввалига қурилишда ишлади. Кейин трактор йиғув заводида тақдир уни Обид Одилов, Раҳимжон Одилов сингари покдомон, зиёли инсонлар билан учраштирди. Уларнинг йўл-йўриғини ота панд-насиҳатларига омухта қилди ва янги бир дунёга кириб борди. Илми-урфон инсон турмушини яхши қилишда муҳим омил эканлигини дилдан ҳис қилди. Устозлари унда ўқитувчилик касбига ҳавас уйғотишганди. Шундан сўнг бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлаш курсини битирди, мактабда фаолият кўрсата бошлади. У чинакам устоз бўлиш учун бу билими камлик қилишини ҳис этди. Низомий номли Тошкент Педагогика институти тил ва адабиёт куллиётини сирт-дан тугаллади. Бу вақтга келиб унда ташкилотчилик қобилияти анча кўзга ташланиб қолган, жамоа ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлган эди. Шу туфайли ҳам мактабнинг илмий бўлими мудирлиги вазифасида меҳнат қила бошлади. Кўп ўтмай Ҳотам акани тумандаги бошқа бир мактабга директор қилиб тайинлашди. Кейин эса қадрдон мактабига раҳбар бўлиб келди.

Ана шунга ҳам ўн тўрт йил бўлибди. Шу йиллар мобайнида у жамоада таълим-тарбия ишларини ҳар жиҳатдан яхшилашга астойдил ҳаракат қилди. Мактабни вилоятдаги энг намунали мактаблар қаторига олиб чиқишга баҳоли қудрат ҳисса қўшди. Унинг меҳнатини қадрлашди, тақдирлашди.

Ҳозир бу ерда юзга яқин ўқитувчи, 30 га яқин техник ходим меҳнат қилади. Мактабда ўқитувчилик қилаётганларнинг кўпчилиги шу даргоҳни битириб олий ўқув юртларида таҳсил олиб келганлар. Улардан бири рус тили ўқитувчиси Наргиза Жалилованинг тажрибаси ҳозирги пайтда туман бўйича ўрганилмоқда. Бошланғич синф ўқитувчиси Нафиса Самадхўжаева тажрибаси мактаб бўйича оммалаштириляпти. Зуҳра Жалилова эса ўқитувчилар танлови олимпиадасида қатнашиб, ғолиб бўлди. Халқ таълими аълочиси унвонини олди. Наима Имомова, Хатира Кўчқоровалар ҳам олимпиадада совринли ўринларни эгалладилар.

Ҳеч кимга сир эмас. Айрим мактабларда баъзи ўқитувчилар бозор иқтисоди туфайли рўй берган вақтинчалик қийинчиликларга бардош беролмай мактабни ташлаб, пул топишнинг бошқа йўлларига ҳам ўтиб кетдилар. Лекин бу мактаб жамоаси ҳақида ундай деб айтолмаймиз. Уларнинг аксарияти фидойи, ўз касбига садоқатли ўқитувчилар бўлганлиги учун ҳам улар мактаб маъмуриятининг амалий ёрдами, кўмаги, ижтимоий ҳимоя қилиши туфайли бу машаққатларни енгдилар. Энг муҳими эса ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз ўқитувчиларнинг нуфузини, обрўсини ошириш юзасидан қатор тадбирларни кўрди. Имтиёзлар берилди. Ҳотам акани ўзи ҳам қараб турмайди. У ўқитувчининг мавқеини мустаҳкамлаш, обрўсини ошириш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ишдан ҳам, талашибтортишишдан ҳам чарчамайди.

Директор яна бир тажрибаси ҳақида сўзлайди: Ўзингиздан қолар гап йўқ. Мактабимиз шаҳарга яқин. Мени ишга олинглар, деб келиб турадиганлар кўп бўлади. Мен уларнинг ҳар бири билан эринмай, дилдан суҳбатлашаман. Мақсадини билиб олишга ҳаракат қиламан. Гап шундаки, мактабга қандай бўлмасин, ўрнашиб олсам-да, бир амаллаб томорқали бўлсам, кейин яна ўз билганимдан қолмайман, дегувчилар ва уни дилига тугиб олганлар ҳам бўлади. Бундайлар ярамайди, албатта.

Лекин ўқитувчиликка астойдил ихлос қўйган, шу касб орқали бир бурда нон топиб ейишни асосий мақсад қилиб олганлар бўлса уларни, ҳатто жой бўлмаса ҳам «қурқ» қайтармайман. Вақтинчалик бўлса ҳам ўзимиздаги ёрдамчи ишларда ишлаб туриш учун қабул қилиб оламан. Кўполроқ қилиб айтадиган бўлсам «ипсиз боғлаб қўяман». Бу орада ўрин бўшаб қолса, уни, албатта, ўз касби бўйича ўқитувчи қилиб оламан.

Мактабда сара ўқитувчилар йиғилиб қолганлигининг сири шунда экан. Директор ҳар битта ўқитувчига, хизматчига тенг назар билан қарайди. Унинг фикри шундай: ўқитувчи мустақил Ўзбекистонимизнинг келгусида гуллаб-яшнаши учун хизмат қиладиган қадрларга тамал тошини қўядиган энг азиз, энг ардоқли инсон! Шундай бўлгач, унинг фикри-ёди ҳамиша ўз ўқувчисига пухта билим бериш билан банд бўлсин. Бунинг учун эса у уй шароитидан, рўзғор ташвишларидан кўнгли тўқ бўлиши шарт!

Бир куни нимаям бўлдию, директор математика ўқитувчиси Моҳия Ўсарованинг уйига бориб қолди. Буни қарангки, ўқитувчи торгина ҳовлида истиқомат қилар, бу ерда тўрт келин яшарди. Директор ўзидан ҳижолат бўлди. Эртасига ўқитувчини чақирди. Нега шу пайтгача айтмадингиз, деди. Истиҳола қилдим, деди ўқитувчи. Шу ернинг ўзида унга мутасадди ташкилотлар номига томорқа ери беришларини сўраб ариза ёздирди. Ўзи елдию-югурди ва кўп ўтмай Моҳия томорқали бўлди. Умуман ҳозиргача 48 та ўқитувчига томорқа ери олиб берилди. Булар орасида шаҳардан қатнайдиганлари ҳам бор.

Директор айни пайтда талабчан ҳамдир. У тартиб-интизомга қаттиқ туради. Аввало ўзи амал қилади. Бир йилда ўқитувчиларнинг 2,5—3 минг дарси таҳлил этилади. Маҳоратлари қайд қилинади.

— «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг чиқиши хўп яхши бўлди. — дейди Ҳ. Иноғомов мазкур ҳужжат босилган газетани кўрсатиб, — бу бизга яна бир эътибор, айни вақтда катта масъулиятдир.

Директор Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошқаруви мактаб ишига ҳар жиҳатдан амалий ёрдам бераётганлиги ҳақида мамнун бўлиб сўзлайди.

— Йўлда кўргандирсиз, — деди у, — хўжалик бизга замонавий услубдаги барча қулайликларга эга бўлган янги мактаб биносини қуриб беряпти. У фойдаланишга топширилгач, ўқувчилар ўртасида таълим-тарбия ишларини яна ҳам яхшилаш, энг муҳими 12 йиллик таълим тизимига ўтиш учун ҳамма имкониятларга эга бўламиз.

... Ана қўнғироқ чалинди. Мактаб заллари, ҳовлиларни тўлдириб юрган ўқувчилар бир зумда синф хоналарига кириб кетдилар. Сир эмас, баъзи мактабларда дарс ўтилаётган пайтда ҳам ғала-ғовур товушлар эшитилиб туради. Лекин бу ерда сокинлик. Ўқитувчининг хотиржам, вазмин овози-ю, ўқувчининг устози саволларига босиқлик билан бераётган жавобидан бўлак тиқ этган товуш эшитилмасди. Ҳар бир ўқитувчи ўз дарсини қизиқарли ўтиб, ўқувчини ўзига ром эта билиш маҳоратига эга эканлигидан огоҳ этарди.

Мен ана шу хаёллар билан директор билан биргаликда ташқарига чиққанимда ҳовли рўясида бир йигит машинасининг уёқ бу ёғини артиб турарди.

— Ассалому алайкум, — деб югуриб келди биз томонга.

— Боя фарзандларим ҳақида сўрагандек бўлувдингиз, — деди Хотам ака, — Қобилим шу бўлади. Мактабда чизмакашликдан дарс беради. Комил «Ўзмебелсаноат»да ишлайди. Қизларим Нигора, Гулнора, Наргизалар тикувчилик қилишади. Ҳаммаси ҳам барака топишсин. Раҳмат келтиришяпти.

— Отажон, — деди ўғли Қобил мулойимлик билан, — У ёқ бу ёққа борасизми, олиб бориб кўяйми?

— Раҳмат, ўғлим, — деди Хотам ака. — Сен ишингни тугатган бўлсанг, бемалол уйингга бориб, юмушларингни қилавер. Мен ўзим...

— Майли бўлмаса, — деди ўғил ва машинага ўтирди.

Хотам ака ўғлининг орқасидан тикилиб қоларкан, унинг юз-кўзларида мамнунлик, шукроналик аломатлари зоҳир бўлганлигини ҳис этдим. У ўғлида ўзининг ёшлигини кўргандек бўлдим. Ота-она рози — худо рози деганлари ҳақ экан. Мен ота-онамга қилган яхшиликларим фарзандларимдан, шогирдларимдан қайтаяпти.

Хотам ака билан кўчага чиқиб, бироз яёв юриб, суҳбатлашар эканман, ҳар қадамда шогирдлари устозларига рўбарў бўлиб, икки қўлларини кўксига қўйиб, салом бериб, ҳурматини жойига қўйишарди. Шунда агар ўқитувчи фидойи бўлса — унинг шогирдлари ҳам кўп бўлади, деган гап эсимга келди.

Бу ҳақда унга айтган эдим, «балким», деди камтарлик қилиб. Сўнг қўшиб қўйди. Муболаға эмас, тағин мақтаняпти деманг, вилоятимизнинг қаерига бормай шогирдларимни учратиб қоламан. Мен танимасам, ўзлари танитишади. Уларнинг орасида раҳбардан тортиб, оддий касб эгаларигача бор. Мен ўзимни ниҳоятда бахтиёр инсонлардан, деб ҳисоблайман. Шунда ўзгаларнинг бахтини — ўзининг ҳам бахти деб билган одам, албатта, бахтиёр бўлади-да, деб айтгим келди.

Носир РИХСИЕВ.

ИШ КЎЗИНИ БИЛГАН ОДАМЛАР

Қуйичирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли халқ корпорациясининг илғор иш тажрибасидан

ДУНЁДА паловни ёмон кўрадиган ўзбек бўлмаса керак. Палов — ўзбекнинг миллий таоми, уйда ҳам, тўй-маъракаларда ҳам, гап-гаштакларда ҳам, албатта, палов пиширилади. Дастурхонга палов тортилмаса, зиёфат қиёмига етмайди. Ўзбеклар учун палов нондан кейин энг кўп истеъмол қилинадиган таом ҳисобланади. Палов тўғрисида соатлаб гапирадиган ошпаз ҳам, китоб ёзадиган адиб ҳам миллий таомнинг ажралмас қисми бўлмиш гуруч ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. Зеро, ҳамма нарса бўлса-ю, гуруч бўлмаса, «паловхон тўра» бўлмайди.

Хўш, ана шу гуруч бозор ва дўкон пештахталарида пайдо бўлгунча қандай йўлларни босиб ўтади? Гуруч ўз-ўзидан пайдо бўлиб қоладими? Гуруч етиштирадиган деҳқонларнинг меҳнати оғирми ёки енгил? Дарвоқе, гуруч етиштирадиган деҳқонларни шоликор деб атаймиз.

Биз, чинини айтганда, ана шу шоликорлар меҳнатини яхши билмаймиз. Ўзбекистоннинг ҳар бир хонадонида гуруч истеъмол қилинса-да, аммо, ҳамма жойда ҳам шоли етиштирилмайди. Шоли етиштириш учун махсус шарт-шароитлар бўлиши керак. Биринчи галда сув сероб бўлиши, сув йўллари рисоладагидек талабларга жавоб бериши лозим. Энг муҳими — сабр-тоқатли, оғир меҳнатга бардош берадиган деҳқонлар бўлиши зарур. Чунки, шоличилик соҳасида кўп нарса меҳнатга боғлиқ.

Тошкент вилоятида ҳам шоличиликка ихтисослашган хўжаликлар кўп. Аммо, уларнинг ҳаммасида бир хил кўрсаткичларга эришиляпти, деб бўлмайди. Қўлимиздаги маълумотлар шундан далолат бериб турипти. Биз қуйида соҳани танқид қилиш ниятида эмасмиз. Аксинча, ана шу мураккаб жараён бўлган шоличилик соҳасида юқори натижаларга эришаётган, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий этаётган, таъбир жоиз бўлса, бозор иқтисодига дадил кириб бораётган Қуйичирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли халқ корпорациясининг илғор иш тажрибаларини ёритмоқчимиз. Назаримизда, бу хўжаликда амалга оширилаётган ишларни бошқа туманларда ҳам кенг ёйса арзийди.

Бунга хўжаликнинг 1997 йилда эришган кўрсаткичлари яққол мисол бўла олади. Хўжаликда бу йил салкам 2200 гектар майдонда шоли етиштирилди. Ҳар гектар ердан 58 центнердан ортиқ, жами 13 минг тоннага яқин маҳсулот олинди. Иқтисодчиларнинг дастлабки ҳисоб-китобларига қараганда, умумий даромад 282 миллион сўмга, ундан келадиган соф фойда эса 96 миллион сўмга боради. Хўжаликда қишлоқ хўжалигида банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига 805 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аъзоларнинг ўртача ойлик маоши 18 минг сўмга тўғри келмоқда.

Шу йилнинг 7 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишига кўра ташкил этилган ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш билан шуғулланувчи республика комиссиясининг дастлабки мажлисида иштирок этган Президентимиз соҳадаги аҳволни чуқур таҳлил этар экан, энг муҳим 4 та масалага алоҳида урғу берди. Уларнинг биринчиси уруғчилик устида ишлаш, иккинчиси агротехникага амал қилиш, учинчиси деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва тўртинчиси ишни ташкил этишга ўрганиш эди.

Биз юқоридаги хўжаликда бўлиб, одамларнинг меҳнатда эришаётган натижалари мағзини чақиб, ишларни таҳлил этар эканмиз, ҳақиқатан ҳам бу муваффақиятларда айтиб ўтилган масалалар асосий рол ўйнаётганлигини англаб етдик. Шундай қилиб, хўжалик юксалишини таъминлаётган ана шу омиллар ҳақида сўз юритамиз.

БИРИНЧИ ОМИЛ

УРУҒЧИЛИК. Аслида ҳосилдорликни оширишда муҳим бўлган бу масала ҳеч ким учун янгилик эмас. Лекин, уруғ билан шуғулланишнинг ҳам фарқи бор. Биз юқорида хўжаликда ҳар йили 10—12 минг тонна шоли етиштирилишини айтдик. Қани, ўйлаб кўринг-чи, шунча миқдордаги шолидан қанча уруғлик олиш мумкин? Бунга ҳар қандай мутахассис камида 3-4 минг тонна деб жавоб бериши тайин. Дарҳақиқат, хўжалик миришкорлари етиштирилаётган шоли ҳосилининг 90 фоизидан ортиғи юқори навларга топширилаётганлигини ҳисобга олсак, бу гапда асос бор. Аммо, хўжалик шунча шолидан бор-йўғи 800—900 тонна уруғлик шоли саралаб олади.

— Мана, саккиз йилдирки, биз бу масалани тўлиқ хўжаликнинг ўзида амалга оширяпмиз ва ҳал қиляпмиз, — дейди корпорация раҳбари Турсунхўжа Искандаров. — Албатта, бу борада олимлар билан ҳамкорлик қилиш, юқори ҳосилли шоли навлари устида ишлаш тўхтамади. Бу, биринчидан. Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга бағишланган йиғилишда, Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳар бир жойнинг ўз шароити, ери, тупроқ тузилиши бўлади. Буни ҳисобга олмаслик фақат зарар келтиради. Масалан, бизда асосий майдонларга «ЎзРОС—7—13» ва «Авангард» навлари экилади. Биз бу навларнинг уруғларини камида тўрт марта саралаб, ажратиб оламиз. Бу жараён ҳар йили амалга оширилади. Уруғликни асраш ва экиш ҳам қатъий назоратда бўлади. Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтиш лозим. Ҳар икки навнинг экиш муддатлари, пишгунча бўлган жараёндаги фарқ ҳам ўзига хос. «ЎзРОС—7—13»ни олиб кўрайлик. У 140—150 кунда пишади. Лекин, ҳосилдорлиги юқори, поясининг бақувватлиги, касалликларга чидамлилиги билан хусусиятли. «Авангард» нави эса 115—120 кунда етилади. Лекин, унинг ҳосилдорлиги бирмунча пастроқ ва пояси юмшоқ бўлганлиги сабабли йиғиштириб олишда қийинчиликлар бўлади. Хўш, биз нима қиляпмиз?

Маълумки, 2 минг гектардан ортиқ майдонда деҳқончилик қилаётган хўжалигимизда шоли экиш жараёни салкам бир ой давом этади. Биз шуни ҳисобга олиб, сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида пишиш муддатини ҳисобга олиб, дастлабки майдонларга «ЎзРОС—7—13» навини экамиз. 20 кундан кейин эса «Авангард» навини экамиз. Демоқчиманки, «ЎзРОС» навининг пишиш муддатидаги 20—25 кунлик фарқни эрта экиш ҳисобига ёпамиз. Кузда ўрим бошланганда эса дастлаб барвақт етилган «Авангард» нави йиғиштириб олинади. Шундай қилиб, «ЎзРОС»нинг пишиб етилиш муддатидаги 20—25 кунлик фарқ экиш ва ўримйиғим жараёнида барҳам топади. Иккинчидан, куз ҳавосига ишониб бўлмайди. Айни ёғин-сочинли кунлар келгунча пояси юмшоқ бўлган «Авангард» ўриб-йиғилади. «ЎзРОС» эса ёғинли кунларда ҳам ётиб қолмай, мўл ҳосил беради.

Дарҳақиқат, уруғчилик бобидаги бу ишлар хўжаликда шолидан нафақат мўл ҳосил олиш, балки, уни қисқа фурсатда ўриб-йиғиб олишда ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Тасаввур қилинг, бу йил 2200 гектар майдондаги шоли 25 иш кунида тўлиқ саранжомлаб олинди.

ИККИНЧИ ОМИЛ

АГРОТЕХНИКА ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИШ. Бу ҳам деҳқонлар учун «инқилобий» гап эмас. Бу хўжаликда ҳам уруғ сепилади, пайкаллар сувга тўлдирилади, майса қийғос униб чиққач ўғит берилади, бегона ўтларга қарши гербицид сочилади, уватлардаги бегона ўтлар ўриб олинади, сувнинг қулоқлари ёпилади, шоли пишади, комбайнларда ўриб йиғилади. Ана сизга оддий шоличиликдаги жараён. Лекин, ана шу жараёнларнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ таҳлил қилсангиз, хўжалик эришаётган иккинчи омил келиб чиқади.

Деҳқоннинг энг катта бойлиги ер. Агротехник тадбирлар ерни ҳайдашдан, ишлов беришдан бошланади. Маълумки, шолипояларни шудгорлаш жуда мураккаб. Чунки, йил бўйи сув оққан майдон берч бўлиб кетади. Бунинг устига корпорациянинг ерлари Чирчиқ ўзанида жойлашган бўлиб, тошлоқ ерлар. Бунинг ҳаммасини ҳисобга олган мутахассислар ерни иложи борича чуқурроқ шудгорлашга ҳаракат қиладилар. Навбати билан ерлар ағдарма плуглар ёрдамида камида 45—50 сантиметр чуқурликда шудгорланади. Сўнгра ўғитланади. Бу ўғитлаш номига эмас, гектарига 40—50 тоннадан маҳаллий ўғит солиш эвазига амалга оширилади.

Палахса-палахса бўлган шудгор қиш бўйи ишланади. Баҳорда экиш мавсумида кафтдек текис бўлиб турган шоли пайкалларини кўрган киши бу меҳнатнинг қанчалик мураккаб эканлигини тасаввур қилиши мумкин.

— Хўжалигимизда агротехник тадбирларни ўтказишнинг ўз муддати ва қонун-қоидалари бор, — дейди Турсунхўжа Искандаров. — Масалан, биз шоли уруғини сувда экамиз. Ҳисоб-китоблар бу усул ҳосилдорликни 10 фоизгача оширишини исботлади. Шунингдек, ота-боболаримиздан қолган қатор ишлар борки, шоликорларимиз уларни ҳам канда қилмай амалга оширадилар. Кўпинча ҳар туп ғўза устида парвона бўлишади, деган жумлаларни ўқиб қоламиз. Аслида ҳар туп шоли ҳам ана шундай меҳрга муҳтож. Мана, бир мисол. Шолини бегона ўтлардан тозалаш учун гербицид сепилади. Дори уватларда ўсаётган қалин курмакларни қуритишга ожизлик қилади. Шунинг учун биз уни бутун мавсум давомида қўлда ўроқ билан тозалаб оламиз. Токи уватлардаги бегона ўтлар ғовлаб кетмасин. Нима учун уватдаги ўт тозаланади? Ахир у ерда шоли ўсмайди-ку, деган савол туғилиши ҳам мумкин. Ваҳоланки, шоли ҳам тирик жон. У ҳам нафас олади, иссиқда лохас бўлади. Эътибор берсангиз, ват ёқасидаги шоли пояси майдоннинг ўртасидаги экинга нисбатан бақувват бўлади. Бунинг сабаби у шамолдан нафас олади. Агар уватлардаги ўт тозаланмаса, пайкалнинг ичига шабада кирмайди. Шабада юриб туриши учун бу жуда катта аҳамиятга эга. Демоқчиманки, шоли нафақат сув билан, балки, ҳаво билан ҳам тирикдир.

Агротехника қоидалари ҳақида гап кетганда биз умуман эътибор бермайдиган ва тасаввур қилмайдиган айрим масалаларни ҳам айтиб беришди. Бу экинзорга илиқ сувнинг кириши. Мана шунинг ўзиёқ ҳосилдорликни гектар бошига 10 центнергача ошириши мумкинлигини кўрсатди. Илғор шоликор Озод Акбаровнинг ён дафтарчасида ўн йиллик об-ҳавонинг келиши ва агротехника тадбирлар ўтказилган муддатлар қайд этилган. Демоқчимизки, ҳар бир ишнинг ўз мароми бор. Хўжаликда бунга қатъий амал қилинади ва бекаму-кўст бажарилади...

УЧИНЧИ ОМИЛ

ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ. Бу сўзларнинг маъноси жуда кенг. Айримлар



буни янгиликни қўллаш, айримлар янги техника билан қуролланиш, айримлар «фидокорона» ишлаш деб тушунади.

— Аслида деҳқончилик маданияти ҳар бир соҳада бутун бир маҳсулот етиштириш жараёнини қамраб олган меҳнат мажмуасидир, — дейди корпорация раиси. — Бунинг ичига ерга муносабат, уруғчилик, агротехника қоидалари, илғор тажрибаларни қўллаш, илм-фан янгиликларини жорий этиш билан биргаликда узоқ йиллардан буён бизга қўл келаётган қадимий анъаналарни амалга ошириш ҳам киради.

Дарҳақиқат, хўжаликда ҳар бир қарич ернинг қадрланаётганлиги, ерга бўлган муносабатнинг ўзгараётганлиги, ундан йил сайин юқори самара олиш учун курашилаётганлиги, энг муҳими, шунга яраша ернинг боқилаётганлиги ҳам деҳқончилик маданиятининг юқорилаб бораётганлигидан далолат беради. Биз деҳқончиликка жаҳон тажрибаларини дадил киритиш, жорий этиш тўғрисида кўп гапирамиз. Бу тўғри гап. Бунга хўжаликдаги битта мисолни келтириш мумкин. Республикамизда биринчи бўлиб «Кейс» русумли комбайнни сотиб олган мана шу хўжалик бўлади. Бундан бир йил бурун 8 миллион сўмга сотиб олинган «Кейс» ўзининг юқори унуми билан буни оқлаяпти. Ана шу комбайн билан минг гектардан ортиқ майдондаги ҳосил ўриб-йиғиб олинмоқда. Комбайнни бошқа хўжаликларга ижарага бериш ҳисобига қўшимча 2—3 миллион сўм даромад қилинди. Энг муҳими, бу комбайнда ўриб-йиғиб олинаётган ҳосил деярли нобуд бўлмаяпти. Ваҳоланки, илгарилари «Енисей» комбайнларида ўрилганда ҳар гектар ерда тўрт-беш центнер ҳосил нобуд бўларди. Ана энди бу рақамни минг гектар ерга чақиб кўринг. Қўшимча 400—500 тонна ҳосил олинди деган гап!

Бизга мавсумда хўжаликда Тошкент трактор заводида ишлаб чиқарилган янги прицеплар синовдан ўтказилаётганлигини ҳам айтиб беришди. Хўжалик раҳбарининг иш столида экин майдонларининг тузилиши тасвирланган карта ва унга қайд этилган турли ёзувларни кўрдик. Маълум бўлишича, эндиликда нафақат бутун бир хўжалик бўйича, балки, ҳар бир бригада бўйича тупроқнинг тузилиши ўрганилмоқда. Айни вақтда агротехника тадбирларини шунга мослаш, экиш, парвариш қилиш, ўриб-йиғиб олиш муддатлари белгиланмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу ерда изланиш давом этмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси деҳқончилик маданияти деган тушунчанинг мазмун-моҳиятини белгилаб бергандек бўлди, бизга.

ТЎРТИНЧИ ОМИЛ

МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. Бу энг асосий масала. Айни кунларда биз хўжаликларда иш юритишнинг пудрат, ижара, пай усуллари катта самара келтиришини ва мақбул эканлигини айтмоқдамиз. Ваҳоланки, саккиз йилдирки, навойиликлар ана шу усулда меҳнат қилиб келадилар.

— Ишлар юриша бошлагандан кейин бир нарса кўзга яққол ташланиб қолди, — дейди Т. Искандаров, — одамларда ўзига ишонч етишмасди. Чунки, улар доимо раҳбарнинг буйруғи, кўрсатмасини бажаришга ўрганиб қолишганди. Бу билан бошланган катта иш ярим йўлда қоқилиши ҳеч гап эмас эди. Шунинг учун деҳқонларимизни мустақил ишлашга ўргата бошладик. Бунинг энг мақбул йўли меҳнатни ташкил этишнинг бригада, оила пудрати усуллари бўлиб чиқди. Агар дастлаб хўжаликда пудратни жорий этган бўлсак, орадан икки йил ўтиб, тўла хўжалик ҳисобини қўлладик. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир бригада ва жамоа маъмурият билан шартнома тузади. Бу ҳужжатда ҳар бир бригаданинг йиллик харажати, топширадиган ҳосили ўз ифодасини топади. Ажратилган маблағни қандай сарфлаш, тўлиқ уларнинг ихтиёрида. Тежаб қолинган маблағ эса деҳқонларнинг иш ҳақига қўшилаверади. Бу нима берди? Биринчидан, одамларнинг меҳнатга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Иккинчидан, алмисоқдан қолган «тенглик» барҳам топди. Ҳар ким ўз меҳнатига яраша рағбат ола бошлади. Бугун бригадаларнинг ишини таҳлил этсангиз, ҳар гектар ердан 50—55 центнер ҳосил олганлар ҳам, 65—70 центнер маҳсулот олганлар ҳам бор. Уларнинг даромади ҳам шунга яраша. Озод Акбаров, Абдулла Абдураҳмонов, Турдибек Умарбеков, Омонгелди Мусаев, Валерий Тхай, Абдужаббор Носиров бошлиқ жамоаларда ҳар бир ишчининг ойлик даромади 35—40 минг сўмга тўғри келмоқда.

Бозор иқтисодиётининг ўз талаби ва қонун-қоидалари бор. Уни инкор этиш мумкин эмас. Хўжаликдаги иқтисодий ҳисоб-китоб ва таҳлилларни кўриб, бу ерда аллақачон бозорга ўтилганми, дейсиз. Бугун айрим хўжаликларда деҳқонларнинг маоши ҳам ўз вақтида берилмаётган бўлса, бу хўжаликнинг ҳисоб рақамида йил-ўн икки ой 30—40 миллион сўм узилмай туради. Ҳар ким ўз меҳнатига яраша иш ҳақини канда қилмай олаяпти. Умуман, корпорацияда муаммонинг ўзи йўқ. Хўжалик раҳбарияти иш қуроллари, техника, ўғит, уруғлик ва деҳқончилик учун зарур нарсаларнинг ҳаммасини бадастир қилиб беради. Бригадаларнинг ички ишига аралашиш, ҳар хил кўрсатма ва буйруқларга барҳам берилди. Айни вақтда юқоридаги муаммолардан кўнгли тўқ бўлган деҳқон эса ҳосил тақдири ҳақида қайғуради.

— Мен Президентимизнинг мамлакат қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш юзасидан жон куйдириб айтаётган фикрларини тўлатўкис қўллаб-қувватлайман, — дейди пудратчи жамоа бошлиғи Озод Акбаров. — Энди деҳқоннинг оёғидаги тушовни ечиш керак. Унга мустақил ва эркин ҳаракат қилиши учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб берилса, аминманки, бу соҳада кескин ўзгариш бўлади. Албатта, бунда ернинг ҳақиқий соҳибини тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар тўғрисида кўп гапирамиз. Унинг мазмун-моҳияти нимада? Бу саволга ҳам ушбу хўжалик мисолида жавоб берайлик. Илгарилари шунча майдонда 1600 киши меҳнат қилган бўлса, бугунги кунда 350 киши ишни эплаяпти. Илгарилари шоли ўриб-йиғиб олиш мавсумида четдан 2 мингга яқин ҳашарчи жалб этилар, бу иш икки ойлаб чўзилиб кетар эди. Бугун 25 кун, нари борса бир ойда ҳосил саранжомлаб олинмоқда. Бу ўз-ўзидан шоли етиштиришга бўлган сарф-харажатни камайтириб бормоқда.

Албатта, бу ишларни амалга оширишда раҳбарнинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги, салоҳияти катта роль ўйнайди. Узоқни кўзлайдиган раҳбар ҳар доим ўз зиммасидаги масъулиятни ҳис этиб туради. Шу маънода корпорация раиси Турсунхўжа Искандаровнинг фаолияти деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган дейиш мумкин. Деҳқон далани, шолини ўйласа, раҳбар деҳқонни, деҳқоннинг рўзғори бут бўлишини ўйлайди, уларнинг ташвишига, қувончига шерик бўлади.

Ҳаётимизда бозор иқтисодиёти қарор топаётир. Бозор иқтисодиёти биринчи галда моддий манфаатдорликка асосланади. Лекин, бу дегани ҳамма нарса пул билан, фойда-зарар билан ўлчанади, деган маъноні англатмайди. Дунёда пул ва фойда-зарар билан ўлчанмайдиган улуғ, ўзбекона эътиқод ва миллий анъаналаримиз ҳам бор. Маънавият, собит эътиқод ҳар қандай иқтисодий фалсафадан устун туради. Шу боис бевосита моддий манфаатдорлик тўғрисида гап кетган пайтда ҳаётимизнинг маънавий асоси эмас, балки, иқтисодий асоси назарда тутилади. Рағбат — моддий манфаатдорликка асосланади. Моддий манфаатдорлик бор жойда нафақат миқдорий ўзгариш, балки, сифат ўзгариши ҳам рўй беради.

Алишер Навоий номли халқ корпорацияси ҳудудида 7 та қишлоқ бор. Уларда 6 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Одамларнинг туриш-турмуши, қоларверса, ризқ-рўзи кўп жиҳатдан хўжаликнинг иқтисодий салоҳияти билан ўлчанади. Ҳар йили беш марта ана шу ҳудудлардаги аҳоли билан ўтказилаётган учрашувлар, кам таъминланган оилаларга берилаётган кўмаклар, улуғ айём кунлари ана шу ҳудудларда қарияларга хўжалик ҳисобидан ифторликлар ўтказилиши, Наврўз, Мустақиллик байрамларида уларни йўқлаш — ҳамма-ҳаммаси ана шу маънавий ишларнинг бир бўлаги. Буларнинг ҳаммасига раҳбарнинг ўзи бош-қош бўлмоқда.

— Бугун хўжалигимиз шундай катта муваффақиятларга эришаётган, даромад ортиб бораётган экан, буларнинг ҳаммаси халқимизнинг ҳалол меҳнатлари самарасидир, — дейди Т. Искандаров. — Шундай экан, улар тўғрисида гамхўрлик қилиш, қишлоқларни ободонлаштириш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш биз учун биринчи даражали вазифа бўлиб қолиши керак. Зеро, инсон яхши яшаш учун яхши меҳнат қилади.

Дарҳақиқат, хўжаликда инсон омилига алоҳида аҳамият берилмоқда. Юқорида таъкидлаганимиздек, хўжалик иқтисодий қудратининг ортиши ҳар бир оилага ўз таъсирини ўтказмоқда, десак муболаға бўлмайди. Моддий манфаатдорликдан шоликорнинг фарзандини ўқитаётган ўқитувчи ҳам, унинг боласини тарбиялаётган тарбиячи ҳам бенасиб эмас. Уларга ҳам мавсум охирида ўзларига яраша насиба ва бошқа мукофотлар берилади.

Албатта, шоличиликни ривожлантириш, ерларнинг самарадорлигини ошириш биринчи галдаги вазифалар. Лекин, хўжаликда шолидан бошқа гаплар ҳам бор. Хусусан, галланинг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил олинмоқда. Одамларни, хўжалик ҳудудидаги ишга яроқли кишиларни фойдали меҳнатга жалб этиш, қўшимча ишчи жойлари яратиш устида изланмоқда. Тадбиркорлик билан шуғулланаман, деган кишиларга имтиёзли қарзлар берилмоқда. Хўжалик ҳудудида барпо этилган қатор хусусий ва жамоа корхоналари шу ерлик аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

— Президентимиз Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда бир масалага алоҳида тўхталиб ўтдилар. Бу ҳар бир раҳбарнинг интилиш ва изланишдан тўхтамаслиги, одамлар тафаккурини фақат ҳаётгина ўзгартира олиши масаласидир. Бу сўзларнинг тагида жуда чуқур маъно бор, — дейди хўжалик раҳбари. — Буни хўжалигимиз мисолида талқин этадиган бўлсак, ҳали шоличиликни ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш, халқимиз турмуш маданиятини юксалтириш йўлида жуда катта ички имкониятлар мавжуд. Биз эндиликда ана шулар устида ишлашимиз керак. Бунинг учун эртага бугунгидан, бугун кечагидан яхшироқ меҳнат қилиш, изланиш талаб этилади.

...Ҳа, хўжалик олдида ҳали катта вазифалар турипти. Шунга яраша режалар ҳам белгилаб олинган. Лекин, юқоридаги гапларга таяниб айтиш мумкинки, бу ерда ишнинг кўзини биладиган одамлар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ана шу эзгу ишларида янги омадлар тилаймиз. Сизларнинг эса сара гуручдан бўлган ўзбек паловини тановул қилаётиб, орачора бўлса ҳам фақат ошпазни эмас, шоликорнинг ҳам қўли дард кўрмасин, деб қўйишингизни истаймиз.

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ,
Набижон БОҚИЕВ.
Даврон АҲМАД суратлари.

«ЎГАЙ» СЎЗИ СИЗГА ЎГАЙДИР

Ҳаёт сабоқлари

Икки дил бирлашганда энг буюк ва энг эзгу туйғулардан бири борки ул ният ёши улуғ, кўпни кўрган кексаларимиз дил-дилидан дуо бўлиб янграйди: «Илоҳим умрингдан барака топ, болам, туп қўйиб палак ёзиб, қўша қаринглар. Ували-жували бўлиб юриш насиб этсин». Ёки «Сувдек сероб, нондек азиз бўлинглар», каби олқишлари дил тубидаги энг буюк орзуларимизни янада юксакка кўтаргандек бўлади.

Ҳаётимизнинг жўнгина ҳақиқати — авлодимиз давомийлигини истаб айтилган бу қутлуғ ниятжамики инсониятнинг оила деган муқаддас иморатини бунёд этишдаги олий мақсадларидан бири, десак муболаға эмас.

Азал-азалдан халқимиз нияти пок, ҳалолдир. Шундан бўлса керак бизда яхши ниятлар билан боғлиқ удумларимиз сероб. Серфарзанд бўлсин дея тўйларда келин-куёвларнинг тиззаларига ширин-шакар болажонларни ўтқазишади. Наҳорда бўлиб ўтадиган «Келин салом»дан кейин эса серфарзанд онахонлар чимилдиққа кириб, икки ёш ўтирган ўринга из босиб чиқадилар. Бу «мендек серфарзанд бўлинг» деган маънода экани шубҳасиздир.

Лекин хаёлимиздаги орзулар ҳар доим ҳам ҳақиқатга айланавермас экан. Баъзан ўзимизга боғлиқ бўлган ва бўлмаган сабаблар исканжасида қоламиз. Ана шундай кезларда одамларнинг бир-бирларига бўлган меҳру муҳаббатлари ўз шаклу шамойилини кўрсатгандек бўлади, назаримда.

Мен икки овсинларни биламан. Бири жуда серфарзанд, иккинчиси эса йиллар давомида «тирноққа» зор бўлиб юрар эди. Серфарзанд овсин яна бошқоронғу бўлган кезлар дилига бир савоб ишни тугиб қўйди. «Худонинг қудратини қаранг-ки, ҳомиладор аёл бефарзандларга атаб туғса, дарди осонгина, беозор бўлар экан-а», деган ўй кўнглидан ўтди, гўдагини овсинининг қўлига топшираётган аёлнинг. Бу ҳам бўлса Оллоҳнинг одамларни бир-бирларига меҳру муҳаббатларини ортириш йўлидаги саховати бўлса ажабмас.

Мен яхши таниган бир онахон борки, уни ҳатто маҳалладагилар ҳам шу хонадондаги беш боланинг иккинчи онаси эканликларини хаёлларига ҳам келтиришмайди.

— Мен бу хонадонга келганимда энг кичик болам эндигина оёқ чиқараётган эди, — дея ўтмишдаги «сирларини» очиб қолдилар онахон. — Буларнинг асл оналари касалликдан ёшгина қазо қилган эканлар. Мен эса фарзандсизлик туфайли турмушдан чиқиб, жуда ўкиниб юрган кезларим эди. Бу болалар менга ноёб топилдиқдек бўлди.

Қизларни узатиб, ўғилларини уйлаб, бутун умрини ўзга бир аёл туққан фарзандларга бағишлаб, жону-жаҳонини бериб яшаш садоқатнинг ўзи эмасми?! Ҳозирда набира келин-куёвлар қилиб, қувонч билан эвараларига бешиклар безатаётган онахонни «ўгай» деб ким айта олади...

Тарихимизда ўзининг оқила ва бокиралиги ила ном қолдирган соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг аёли, маслаҳатгўйи, Туркон хотунларнинг сараси, темурийларнинг етук тарбиячиси ва меҳрини бериб, уларни катта Онаси бўлиб тарихда абадий ном қолдирган бу аёл садоқати таҳсинга лойиқдир. «Туққан эмас, боққан она» деб шунга айтсалар керак.

Шундай бокира, жафокаш, меҳри уммон аёллар ҳақида эшитганимда, улар билан суҳбат қурганимда ўзбек тилидан «ўгай» деган сўзни умуман олиб ташлагим келади...

Онажон, сиз менга ўгай эмассиз,
Худо берган онам, мен чин болангиз!
Номингиз қалбга жо, ўтмайсиз изсиз,
Тангримга етмишдир қилган нолангиз.

Меҳр тафтингизда ўсиб, улғайдик,
Савобдан умрга қўйдингиз ҳайкал!..
Сизга эркаландик, сизга суяндик,
Айтинг, қайси она сиздан ҳам афзал!

Саида ЗОКИРОВА.

Яқинда Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалиги ҳудудида «Аъло» хусусий фирмасининг мебел дўкони иш бошлади. Фирма Тошкент, Янгийўл, Олмалиқ, Сирғали мебел ишлаб чиқариш комбинатлари билан ўзаро шартнома тузиб, бундай уй жиҳозларини ўн фоиз устамаси билан, кам даромадли оилаларга эса арзонлаштирилган нархда аҳоли уйларига етказиб беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Шунингдек, бу дўконда 30 дан ортиқ уй-рўзғор буюмлари ҳам сотилмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАР

Икки нарсага одамлар доимо муяссар бўлишга интиладилар, аммо бу икки нарсага доимо муяссар бўлавермайди. Булардан бири саломатлик, иккинчиси тинчликдир.

* * *

Тозалик саломатликнинг энг биринчи сабаби ва иллатлардан қутулишнинг қутлуғ йўлидир. Тозалик баданнинг қувватини кўпайтиради, гўзаллигига гўзаллик қўшади.

* * *

Дунёда икки ишдан кўра хайрлироқ нарса йўқ: оч одамнинг қорнини тўйдириш, ғамли одамнинг юрагини қувонтириш!

* * *

Беш нарсадан аввал беш нарсанинг қадрини бил: касал бўлмасдан аввал соғлиқ қадрини, қаримасдан аввал ёшлик қадрини, қашшоқликдан аввал бойлик қадрини, қарамликдан аввал озодлик қадрини, ўлимдан аввал тириклик қадрини.

* * *

Соғлом бўлай десанг, саёҳат қил. Саёҳатдан бешта фойда бор: кўнгил ёзиш, куч тўплаш, мол йиғиш, илм ва одоб ўрганиш, донолар зиёратида бўлиш.

* * *

Тўрт нарса борки, уларнинг ози ҳам кўп. Булар касаллик, олов, душман ва қарздир.

* * *

Ҳар қандай яранинг тузалишига умид бор, лекин виждон ярасининг тузалишига умид йўқ.

* * *

Энг оғир дард — нодонлик, энг кучли касаллик — пасткашликдир.

Саъдий Шерозий асарлари асосида Рўзи БОЙ тўплаган.

Божхона бекати

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси ходимлари аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат ва асосий эҳтиёж молларининг мамлакатимиз ҳудудидан ноқонуний йўллар билан четга олиб чиқиб кетиш ва мамлакат ҳудудига олиб киришнинг олдини олиш юзасидан ҳуқуқ-тартиботни сақлаш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Тожикистон Республикаси фуқароси Шавкат Турсунпўлатов Сирдарё орқали қайиққа ортилган, нархи 2615 АҚШ долларига тенг бўлган 6500 пачка турли хил сигареталарни акциз маркасисиз мамлакатимизга олиб кирмоқчи бўлганди. Лекин уддасидан чиқолмади. Вилоят божхона қўмитасининг 21-сонли «Фарҳод» масканининг хушёр ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 182-моддаси 1-қисми «А» банди билан жиноий иш қўзғатилди.

Шунингдек, худди шу моддда Қирғизистон Республикаси фуқароси Ҳусан Жекин Улига ҳам қўлланиладиган бўлди.

У 11 октябрь куни вилоят божхона бошқармаси 14-сонли «Ғиштқўприк» маскани ходимлари томонидан «Тошкент-Бишкек» йўналиши бўйича кетаётган «Икарус-250» русумли автобус божхона кўригидан ўтказилганда, автобус ўриндиғининг остига яширилган акциз маркасисиз 318 минг сўмлик 3500 пачка «LM», минг пачка «Родопи» ва 500 пачка «Пине» сигареталарини республикамиз ҳудудидан ноқонуний равишда олиб чиқиб кетмоқчи бўлган.

* * *

Акциз маркаси бўлмаган молларни республикамизга ноқонуний равишда олиб кирилишининг олдини олиш тадбири ўтказилаётганда 9 октябрь куни соат 17.00 да контрабанда бўлими бошлиғи З. Хайрутдинов ва божхона хавфсизлиги хизмати бош нозири А. Ҳасановлар томонидан 18-сонли «Ойбек» божхона зонасида жойлашган айланма йўл орқали ҳайдовчи Солижон Ҳакимов бошқарувидаги «КамАЗ-53-20» юк автоулови тўхтатилганда, Тожикистон Республикаси фуқароси М. Мамажонова 200 қутида акциз маркасисиз, нархи 12 минг долларли юз минг пачка «Президент» сигаретасини Ўзбекистон ҳудудига ноқонуний равишда олиб кирмоқчи бўлганлиги фош қилинди.

Ушбу ҳолат вилоят бошқармаси масъул ходимлари томонидан видеотасвирга туширилди ва ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

* * *

«Ғиштқўприк» божхона маскани ходимлари томонидан «КамАЗ-53-20» русумли автоулов тўхтатилиб, текширилганида, 1954 йилда туғилган, ҳайдовчи Йўлдош Тўраев автоулов юкхонасига жойлаштирилган пиёз тагида ҳеч қандай ҳужжатсиз, умумий нархи 5 миллион 622 минг 250 сўмлик 9800 дона «Пахтакор-14» распиратори, 550 жуфт пайтава, минг метр сочиқли мато, олти дона «DAEWOO» телевизори, олти дона видеомагнитафон борлиги аниқланди.

* * *

15-сонли «Олмазор» божхона бекати ходимлари томонидан айланма йўлда қозоғистонлик фуқаро, 1963 йилда туғилган, Журген Абилханов 2400 дона кир совунни республика ҳудудидан олиб чиқиб кетаётганда қўлга олинди. Мазкур ишлар юзасидан ҳам суриштирув олиб борилмоқда.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
Республика Давлат божхона қўмитаси матбуот бўлими бошлиғи,
Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» ўз мухбири.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

Футбол

МҲСК — ЧЕМПИОН

Совриндорлар ҳам, омадсизлар ҳам маълум

ОЛИЙ табақа иштирокчилари ўртасида якшанба куни бўлиб ўтган 33-тур учрашувлари барча жумбоқларга жавоб бериб, нуқта қўйди. Марғилонда «Атласчи» жамоаси устидан 7:3 ҳисобида ғалабага эришган Марказий ҳарбий спорт клуби жамоаси биринчи бор олтин медалларни қўлга киритди. Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари ўтган йилдагидек қумуш медал билан тақдирланадиган бўлдилар. Улар сўнгги турларда учрашувини вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси билан ўтказиб, 2:6 ҳисобида енгилишди. Бронза медаллари ўтган йилги чемпион — «Навбаҳор»га тегадиган бўлди. Учинчи мукофотли ўринга «Дўстлик» ҳам даъвогар эди. Бироқ мавсумнинг якунловчи ўйинларида кетма-кет уч бор мағлубиятга учраган вилоятимиз футболчилари имкониятни қўлдан бой беришди. Ҳозирда улар 62 очко билан жадвалнинг тўртинчи поғонасини эгаллаб туришибди. Маълумки, ўтган йили пировард натижада вилоятимиз футболчилари тўртинчи бўлишганди. Бу йил ўтган йилги кўрсаткич такрорланадими ёки ... бу ўринга «Пахтакор» ҳам даъвогар бўлиб турипти. «Дўстлик» сўнгги учрашувни сафарда «Бухоро», «Пахтакор» эса Самарқандда «Афросиёб» билан ўтказади.

Мамлакат биринчилиги эртага якунланади. Уч ғолиб маълум бўлганидек омадсиз тўрт жамоа ҳам аниқланди. «Афросиёб», «Чилонзор», «Янгиер» ва «Атласчи» жамоалари олий табақани тарк этадиган бўлишди. Келаси мавсум Қўқоннинг «Темирйўлчи» ва Бекободнинг «Металлург» жамоалари қучлилар даврасида ўйнайди. Шундай қилиб 1998 йилги мавсумда олий табақада жами 16 жамоа қатнашиши кўзда тутилмоқда. Яна ким билади дейсиз... Низомда бошқа-ю, амалда бошқача бўлиши мутаассис ва муҳлисларга янгилик эмас.

Якшанба кунги 33-тур учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Зарафшон» — «Бухоро» — 1:5, «Пахтакор» — «Андижон» — 2:1, «Сурхон» — «Хоразм» — 0:1, «Косонсой» — «Трактор» — 4:2, «Чилонзор» — «Янгиер» — 4:2.

ЯПОНЛАР ТЎСИҚДАН ЎТА ОЛАРМИКАН?

АГАРДА Қурия футболчилари «Б» гуруҳида ғолиб чиқиб, Францияда ўтадиган жаҳон биринчилигига йўлланмани қўлга киритишган бўлса, иккинчи ўринни эгаллаган Япония футболчилари яна бир тўсиқдан ўтишлари керак. Улар «А» гуруҳида иккинчи бўлган жамоа билан ўзаро учрашишлари лозим. Ғолиб учинчи йўлланмани қўлга киритади. Мағлуб томон эса яна бир синов — Австралия терма жамоаси билан учрашади. Ана шу икки тўсиқдан ўта олган жамоа жаҳон биринчилиги финалига йўлланмани қўлга киритади. Сўнгги турда Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари ўз майдонларида Жанубий Қурия жамоасидан 1:3 ҳисобида енгилишган бўлса, Япония футболчилари Қозоғистон терма жамоасини йирик 5:1 ҳисобида мағлуб этдилар.

... Осиё қитъасининг ўн жамоаси ўртасида қурра ташланиб, икки гуруҳга бўлинганда Ўзбекистон футбол федерациясида бўлиб ўтган мулоқот ёдга тушди. Ушанда кўпчилик Қозоғистон футболчиларини кучли жамоалардан бири деб йўлланмага асосий даъвогар ҳисоблаб, Ўзбекистон футболчилари билан бир гуруҳга тушиб қолганлигидан кўнгиллари тўлмаган эди. Шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари жамоасини иккита йўлланманинг биттасига даъвогар деб санашганди. Бу тахминларнинг барчаси пучга чиққан бугунги кунда футболда яна «фол очиш», «башорат қилиш» қалтис иш эканлиги исботланди. «Б» гуруҳидаги якунловчи турнир жадвалида аҳвол қуйидагича бўлди:

Мамлакатлар	Ю.	Д	М.	Т.	О
Қурия	6	1	1	19—7	19
Япония	3	4	1	17—9	13
БАА	2	3	3	9—12	9
Ўзбекистон	1	3	4	13—18	6
Қозоғистон	1	3	4	7—19	6

МУШТАРИЙ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЮРТИНИ ТАНИТГАН ПОЛВОН

Ўзбеклар тоғни урса талқон қиладиган алпкелбат азаматлару бақувват йигитларни кўплаб вояга етказган халқдир. Фусункор диёримизнинг довруғи ошишида юртимиз полвонларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор, албатта. Ана шундай полвонлардан бири бутун умри давомида фарғонача миллий курашни ривожлантириш учун қайғурган пскентлик марҳум Нуриддин Маликов эди.

Ҳа, Пскент азалдан полвонлар юрти. Бу заминдан не-не заҳматкаш инсонлару, билагига кучи сиғмаган полвонлар етишиб чиққан. Тўйчиполвон, Назирқулполвон, Усмонполвон, Нуриддинполвон... Бу рўйхатни янада давом эттириш мумкин.

1925 йилда Пскентнинг оддий хонадонларидан бирида таваллуд топган Нуриддин табиатан ўта мулойим йигит бўлиб вояга етди. Уни бобоси Бувахўжа полвоннинг руҳи қўллаб-қувватлади шекилли, тез орада ўз куч-ғайрати билан юртдошларимизнинг оғзига тушди.

Жамоа хўжалигида сувчи бўлиб ишлаб юрган Нуриддин 1947 йилда Тошкент вилояти миқёсида ўтказилган фарғонача кураш усталари туман биринчилигида иштирок этди. У бу мусобақада қаторасига етти курашчини ағдариб, ўзининг вазмину чайирлиги билан ҳаммани лол қолдирди. Шу-шу ёш азамат миллий курашнинг бу тури билан жиддий шуғулланади. Ўткир қобилияти, ҳаракатчанлиги уни вилоят, республика мусобақаларида ҳам юлиб чиқишига имконият яратиб беради. 1956 йилги Ўзбекистон биринчилиги бўйича ўтказилган мусобақада у «Ўзбекистон чемпиони» унвонини олди. Нуриддин Маликов эл орасида Нуриддинполвон номи билан шуҳрат қозонди.

Нуриддинполвон Маликов юзлаб шогирдларни вояга етказган устозлардандир. У 12 йил туман спорт қўмитасининг раиси лавозимида, сўнгра 1961 йилдан то 1991 йилгача вилоят, Ўзбекистон терма жамоасининг бош мураббийси вазифаларида сидқидилдан хизмат қилди. Миллий кураш бўйича спорт устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Нуриддин Полвон Маликов бугун орамизда йўқ. Лекин унинг номи минглаб миллий кураш муҳлислари қалбида барҳаёт яшамоқда. Марҳум полвон, юртимиз довруғини оламга ёйган Нуриддин Маликов номини абадийлаштириш, унга бағишланган хотира ўйинлари ўтказиб туриш бугунги кунда ҳам фарз, ҳам қарздир. Унинг хайрли ишлари ёшларга намуна қилиб кўрсатилса, нур устига аъло нур бўлади деб ўйлаймиз.

Собиржон ИНОМОВ,
журналист.

ЎЗБЕК САНЪАТКОРЛАРИ ҒЕРМАНИЯДА

Мамлакатимизнинг бир гуруҳ таниқли хонанда ва раққосалари немислар диёрида муваффақиятли давом этаётган Ўзбекистон республикаси маданияти кунларида қатнашиш учун Германияга жўнаб кетди. Улар орасида Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси раққосалари, таниқли хонандалар бор.

— Дастурга кўра еттита концерт намойиш этамиз, — дейди «Ўзбекрақс» бирлашмаси Бош директори Юлдуз Исматова. — Уларда бирлашмамизнинг барча ижодий жамоаси — «Баҳор», «Лазги», «Зарафшон» ансамбллари, «Тановар» рақс студиясининг раққосалари ранг-баранг асарларни ижро этади.

(ЎзА).

Об-ҳаво

Республика Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабарига кўра 12—16 ноябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво қисман ўзгариб туради.

Ҳарорат кечалари 1—6 даража илиқ, кундуз кунлари эса 14—19 даража иссиқ бўлади.

Ҳафтанинг иккинчи ярмида айрим туманларда қисқа муддатли ёғингарчилик эҳтимоли бўлиб, ҳарорат бироз пасаяди. Кечалари — 3+2, кундуз кунлари 6—11 даража илиқ бўлади.

ЭЪЛОНЛАР

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети илмий-тадқиқот бўлими қошидаги «Геология ва стратиграфия» лабораторияси мудирлиги вакант лавозимига

танлов эълон қилади.

Ҳужжатлар ТошДУ асосий биносининг 11-қаватидаги 111 хонада, эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

«Тошвилкооптранс» Х Ж муқаддам ишлатилган ГАЗ-51, 52, 53, ЕРАЗ-762 юк ташувчи автомобилларини

ким ошди савдоси усулида накд пулга сотади.

Ким ошди савдоси Тошкент шаҳар, Жомий кўчаси 5-уйда, 1997 йил 15 ноябрда ўтказилади.

Мурожаат учун тел: 48-09-45.

3 хонали уй СОТИЛАДИ.
Ц—17/18 Тел: 40-32-14.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0734. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.734 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 17.30.